***Умирова Дилноза Сафаровна,***
***ТДИУ Туризм ва сервис кафедраси***
***катта ўқитувчиси***

# ИҚТИСОДИЙ ИНДЕКС КЎРСАТКИЧЛАРИ АСОСИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада дунё миқёсидаги инновациялар таркибида мамлакатларнинг глобал инновацион индекс кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Инновация индексида дунё мамлакатлари рейтинги, турли хил даромад даражаларидаги инновацион кўрсаткичлар таснифи, инновация киритиш ва инновацион маҳсулот Суб-индекслари рейтинги асосида инновацияларни қўллаш, ривожлантириш шарт-шароитлари ва имкониятлари ёритилган. Шунингдек, индекс кўрсаткичларини ҳисоблашни такомиллаштириш юзасидан таклифлар, тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар.*** *Инновация, кўрсаткич, глобал инновацион индекс, инновацион маҳсулот, рейтинг, даромад.*

***Умирова Дилноза Сафаровна -***
***Старший преподаватель кафедры***
***туризма и сервиса ТГЭУ***

# СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИННОВАЦИЙ НА ОСНОВЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ИНДЕКСА

***Аннотация:*** *В статье анализируются индикаторы глобального инновационного индекса стран в структуре глобальных инноваций. Индекс инноваций охватывает условия и возможности для применения и развития инноваций на основе рейтинга стран мира, классификации показателей инноваций на разных уровнях дохода рейтинга, вклад инноваций и субиндексов в инновационный продукты. Также были данный предложения и рекомендации по совершенствованию расчета индексных показателей.*

***Ключевые слова.*** *Инновация, индикатор, глобальный индекс инноваций, инновационный продукт, рейтинг, доход.*

***Umirova Dilnoza Safarovna,***
***Senior Lecturer of the Department***
***of Tourism and Service TSUE***

# IMPROVING INNOVATION BASED ON ECONOMIC INDEX

***Annotation:*** *The article analyzes the indicators of the global innovation index of countries in the structure of global innovations. The innovation index covers the conditions and opportunities for the application and development of innovations based on the ranking of countries of the world, the classification of innovation indicators at different levels of the ranking's income, the contribution of innovation and sub-indices to innovative products. There were also proposals and recommendations for improving the calculation of index indicators.*

***Keywords.*** *Innovation, indicator, global innovation index, innovative product, rating, revenue.*

**Кириш.** Бугунги кунда жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида инновацияларни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Чунки, инновациялар мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини белгиловчи асосий йўналиш сифатида ушбу соҳани ривожлантириш учун зарурий механизм ва омил бўлиб хизмат қилади. Бироқ, ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, “инсон омили” учун амалга оширилган ҳар бир ҳаракат маълум вақт давомида жамият тараққиётида ўз аксини топади ва ушбу жараён ўтган даврдаги ривожланиш омилларидан фарқ қилади. XXI асрдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш классик иқтисодий ривожланиш назариясидаги ёндашувларни сезиларли даражада ўзгартириш лозимлиги ва ривожланишнинг асосий йўналиши билим, фан-техника ва инновацияларга асосланган тараққиёт эканлигини кўрсатмоқда.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Инновациялар туризм соҳасидаги муҳим аҳамият касб этади. Аввало, инновация ва инновацион фаолият анъанавий тарзда илмий-техник тараққиёт ёки юқори технологик қисми ва илмий тадқиқотлар ҳамда ишланмалар натижаларининг амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ жараён сифатида тушунилади. Бироқ, “инновация” тушунчасининг маъно ва мазмуни кенг қамровли ҳисобланади.

Гиулио Саинелли, Риналдо Эвангелиста ва Мария Савона[2] (2004 й.) хизмат кўрсатиш соҳасида инновацияларнинг иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини ўрганган. Улар инновацияларни соҳага киритилиши ва инновацияга сарфланган ресурслар қийматини хизматлар соҳасидаги фирмаларнинг иқтисодий кўрсаткичлари орқали тушунтирганлар.

Фернандо Энрике Такес, Мануэль Дж. Лопес, Леонардо Ф Бассо, Нельсон Ареал[3] (2021 й.) томонидан хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш инновацияларини ўлчаш учун ишлатиладиган кўрсаткичлар бўйича тадқиқот олиб борилган. Ушбу тадқиқот ишида ташкилий инновацияларнинг ҳар бир асосий кўрсаткичлари кўриб чиқилган ҳамда уларни жойлаштиришга хос бўлган афзалликлари ва камчиликлари алоҳида муҳокама қилинган.

Рудра П. Прадхан, Мак Б. Арвин, Махендхиран Наир, Сара Э. Беннеттлар[4] томонидан (2020 й.) Европа мамлакатларида тадбиркорлик, инновация ва иқтисодий ўсиш динамикаси тадқиқ қилинган. Унда 2001-2016 йиллар оралиғида Европа мамлакатлари учун тадбиркорликни ривожлантириш, инновация ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатлар ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра узоқ муддатда ҳам тадбиркорлик, ҳам инновация иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Натижалар шуни кўрсатадики, Европа мамлакатлари ҳақиқатан ҳам ўсиш стратегияси ва инновацияларни тарғиб қилувчи сиёсат ва тадбиркорлик учун рағбатлантирувчи сиёсат асосида қуриши кераклигига алоҳида эътибор қаратган.




**1-расм. Дунё миқёсидаги инновациялар таркибида глобал инновацион индексининг тузилиши**

*Манба: Global Innovation Index Database, Cornell, INSEAD, and WIPO, 2020 асосида муаллиф ишланмаси.*

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда мамлакатларнинг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи халқаро баҳолаш тузилмаларининг кўрсаткичлари таркибида фақат иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзига таяниб қолмаслиги билан жамиятнинг ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари олдинги ўринларга чиқмоқда. Сабаби, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти натижасидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради ва ушбу кўрсаткичлар орқали унинг умумий ривожланиш ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади. Шунга асосан мамлакатнинг иқтисодий индекс кўрсаткичлари ишлаб чиқилади.

**1-жадвал**

**Инновация индексида дунё мамлакатлари рейтинги**

| Мамлакат / иқтисодиёт | Ҳисоб (Score) (0-100) | Ўрин (Rank) | Даромад Income | Ўрин Rank | Минтақа Region | Ўрин Rank | Медиана 30.94 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Швейцария | 66,08 | 1 | HI | 1 | EUR | 1 | |
| Швеция | 62,47 | 2 | HI | 2 | EUR | 2 | |
| АҚШ | 60,56 | 3 | HI | 3 | NAC | 1 | |
| Буюк Британия | 59,78 | 4 | HI | 4 | EUR | 3 | |
| Голландия | 58,76 | 5 | HI | 5 | EUR | 4 | |
| Дания | 57,53 | 6 | HI | 6 | EUR | 5 | |
| Финляндия | 57,02 | 7 | HI | 7 | EUR | 6 | |
| Сингапур | 56,61 | 8 | HI | 8 | SEAO | 1 | |
| Германия | 56,55 | 9 | HI | 9 | EUR | 7 | |
| Корея Республикаси | 56,11 | 10 | HI | 10 | SEAO | 2 | |
| Гонконг, Хитой | 54,24 | 11 | HI | 11 | SEAO | 3 | |
| Франция | 53,66 | 12 | HI | 12 | EUR | 8 | |
| Исроил | 53,55 | 13 | HI | 13 | NAWA | 1 | |
| Хитой | 53,28 | 14 | UM | 1 | SEAO | 4 | |
| Ирландия | 53,05 | 15 | HI | 14 | EUR | 9 | |
| Япония | 52,7 | 16 | HI | 15 | SEAO | 5 | |
| Канада | 52,26 | 17 | HI | 16 | NAC | 2 | |
| Люксембург | 50,84 | 18 | HI | 17 | EUR | 10 | |
| Австрия | 50,13 | 19 | HI | 18 | EUR | 11 | |
| Норвегия | 49,29 | 20 | HI | 19 | EUR | 12 | |
| Исландия | 49,23 | 21 | HI | 20 | EUR | 13 | |
| Белгия | 49,13 | 22 | HI | 21 | EUR | 14 | |
| Австралия | 48,35 | 23 | HI | 22 | SEAO | 6 | |
| Чехия Республикаси | 48,34 | 24 | HI | 23 | EUR | 15 | |
| Эстония | 48,28 | 25 | HI | 24 | EUR | 16 | |
| Янги Зеландия | 47,01 | 26 | HI | 25 | SEAO | 7 | |
| Португалия | 46,39 | 27 | HI | 26 | EUR | 17 | |
| Италия | 45,74 | 28 | HI | 27 | EUR | 18 | |
| Кипр | 45,67 | 29 | HI | 28 | NAWA | 2 | |
| Испания | 45,6 | 30 | HI | 29 | EUR | 19 | |
| Португалия | 43,51 | 31 | HI | 30 | EUR | 20 | |
| Словения | 42,91 | 32 | HI | 31 | EUR | 21 | |
| Малайзия | 42,42 | 33 | HI | 2 | SEAO | 8 | |
| Бирлашган Араб Амирликлари | 41,79 | 34 | UM | 32 | NAWA | 3 | |
| Венгрия | 41,53 | 35 | HI | 33 | EUR | 22 | |
| Латвия | 41,11 | 36 | HI | 34 | EUR | 23 | |
| Болгария | 39,98 | 37 | UM | 3 | EUR | 24 | |
| Полша | 39,95 | 38 | HI | 35 | EUR | 25 | |
| Словакия | 39,7 | 39 | HI | 36 | EUR | 26 | |
| Литва | 39,18 | 40 | HI | 37 | EUR | 27 | |
| Хорватия | 37,27 | 41 | HI | 38 | EUR | 28 | |
| Ветнам | 37,12 | 42 | LM | 1 | SEAO | 9 | |
| Греция | 36,79 | 43 | HI | 39 | EUR | 29 | |
| Таиланд | 36,68 | 44 | UM | 4 | SEAO | 10 | |
| Украина | 36,32 | 45 | LM | 2 | EUR | 30 | |
| Руминия | 35,95 | 46 | UM | 5 | EUR | 31 | |
| Россия | 35,63 | 47 | UM | 6 | EUR | 32 | |
| Ҳиндистон | 35,59 | 48 | LM | 3 | CSA | 1 | |
| Черногория | 35,39 | 49 | UM | 7 | EUR | 33 | |
| Филиппинлар | 35,19 | 50 | LM | 4 | SEAO | 11 | |
| **Қозоғистон** | **28,56** | **77** | **UM** | **24** | **CSA** | **3** | |
| **Ўзбекистон** | **24,54** | **93** | **LM** | **12** | **CSA** | **4** | |
| **Қирғизистон** | **24,51** | **94** | **LM** | **13** | **CSA** | **5** | |
| **Тожикистон** | **22,23** | **109** | **LI** | **4** | **CSA** | **9** | |

***Манба:*** *Global Innovation Index Database, Cornell, INSEAD, and WIPO, 2020 асосида муаллиф ишланмаси.*

***Изоҳлар:*** *Жаҳон банки даромадлари гуруҳи таснифи (2019 йил июл): LI = кам даромад; LM = паст-ўрта даромад; UM = юқори-ўртача даромад ва HI = юқори даромад.*

Юқоридаги расмга асосан, дунё миқёсидаги инновациялар орасида глобал инновацион индекс ўзига хос тузилишга эга бўлиб, унинг таркибида дастлаб инновация киритиш суб-индекси, сўнгра инновацион маҳсулот суб-индекси туради ҳамда ҳар бир босқичда глобал муаммо бартараф этилади. Чунки, инновация индекс сифатида дунё мамлакатлари рейтинги белгиланишида муҳим ўрин тутади. Мазкур рейтинг “Global innovation index” сифатида номланиб, глобал тадқиқотлар ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги инновацияларнинг ривожланиш даражасини акс эттирувчи рейтингдир. У Франция халқаро бизнес мактабининг методологияси бўйича ҳисобланади. Тадқиқот 2007 йилдан бери INSEAD Халқаро бизнес мактаби, Корнель университети ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг қўшма лойиҳаси доирасида ўтказилиб, ҳозирги кунда дунёнинг турли мамлакатларидаги инновацион ривожланиш кўрсаткичларининг энг тўлиқ тўпламини намоён этади.

**2-жадвал**

**2020 йилда жаҳон мамлакатларининг турли хил даромад даражаларида инновацион кўрсаткичлар таснифи**

| | Юқори даромадли гуруҳ (Группа с высоким доходом) | Юқори ўрта даромадли гуруҳ (Группа с доходом выше среднего) | Қуйи ўрта даромадли гуруҳ (Группа с доходом ниже среднего) | Кам даромадли гуруҳ (Группа с низким доходом) |
|---|---|---|---|---|
| **Ривожланиш даражаси кутилганидан юқори** | Швейцария | Хитой | Вьетнам | Малави |
| | Швеция | Арманистон | Украина | Руанда |
| | АҚШ | Жанубий Африка | Ҳиндистон | Танзания |
| | Буюк Британия | Грузия | Филиппин | Нигер |
| | Голландия | Шимолий Македония | Молдова | Мадагаскар |
| | Дания | Таиланд | Мўғулистон | Мозамбик |
| | Финляндия | Сербия | Тунис | Непал |
| | Сингапур | Ямайка | Кения | Буркина-Фасо |
| | Германия | Коста-Рика | Марокаш | Тожикистон |
| | Корея Республикаси | Болгария | Қирғизистон | Уганда |
| | Гонконг | Черногория | Сенегал | Того |
| | Франция | Бразилия | Индонезия | Мали |
| | Исроил | Колумбия | Салвадор | Эфиопия |
| | Ирландия | Малайзия | Зимбабве | Гвинея |
| | Япония | Иордания | **Ўзбекистон** | Бенин |
| | Канада | Мексика | Гондурас | Яман |
| **Ривожланиш даражасига мос равишда** | Люксембург | Босния ва Герцеговина | Kabo-Verde | |
| | Австрия | Эрон (Ислом Республикаси) | Камбоджа | |
| | Норвегия | Перу | Кот-дъИвуар | |
| | Исландия | Албания | Покистон | |
| | Бельгия | Беларус | Гана | |
| | Австралия | Маврикий | Миср | |
| | Чехия | Руминия | Камерун | |
| | Эстония | Ливан | Боливия | |
| | Янги Зеландия | Эквадор | Бангладеш | |
| | Португалия | Озарбайжон | Замбия | |
| | Италия | Туркия | Нигерия | |
| | Кипр | Аргентина | Лаос | |
| | Испания | Парагвай | Мянма | |
| | Мальта | Россия Федерацияси | Камбоджа | |
| | Латвия | Шри-Ланка | | |
| | Венгрия | Гватемала | | |
| | Словения | Намибия | | |
| | Хорватия | Бостванa | | |
| | Польша | Доминикана Республикаси | | |
| | Греция | Жазоир | | |
| **Бошқа давлатлар** | Чили | Қозоғистон | | |
| | Словакия | | | |
| | Литва | | | |
| | Уругвай | | | |
| | БАА | | | |
| | Панама | | | |
| | Саудия Арабистони | | | |
| | Қатар | | | |
| | Бруней | | | |
| | Тринидад анд Тобаго | | | |
| | Баҳраин | | | |
| | Кувайт | | | |
| | Оман | | | |

***Манба:*** *Global Innovation Index Database, Cornell, INSEAD, and WIPO, 2020 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси*

Минтақалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таснифига асосланади: EUR = Европа; NAC = Шимолий Америка; LCN = Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси; CSA = Марказий ва Жанубий Осиё; SEAO = Жануби-Шарқий Осиё ва Океания; NAWA = Шимолий Африка ва Яқин Шарқ; SSF = Саҳрои Кабр ва Жанубий Африка.

**3-жадвал**

**2020 йилда инновация киритиш суб-индексилари рейтинги**

| Мамлакат / иқтисодиёт | Ҳисоб (0-100) | Ўрин (Rank) | Даромад Income | Ўрин Rank | Mintaqa Region | Минтақа Region | Медиана 41.39 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 100 | | | | | | |
| **Сингапур** | **70,2** | **1** | **HI** | **1** | **SEAO** | **1** | |
| Швейцария | 69,42 | 2 | HI | 2 | EUR | 2 | |
| Швеция | 69,19 | 3 | HI | 3 | EUR | 1 | |
| АҚШ | 68,84 | 4 | HI | 4 | NAC | 3 | |
| Дания | 66,77 | 5 | HI | 5 | EUR | 4 | |
| Буюк Британия | 65,97 | 6 | HI | 6 | EUR | 5 | |
| Гонконг, Хитой | 65,79 | 7 | HI | 7 | SEAO | 6 | |
| Финляндия | 65,57 | 8 | HI | 8 | EUR | 1 | |
| Канада | 64,84 | 9 | HI | 9 | NAC | 7 | |
| Корея Республикаси | 64,83 | 10 | HI | 10 | SEAO | 2 | |
| Голландия | 64,45 | 11 | HI | 11 | EUR | 3 | |
| Япония | 63,59 | 12 | HI | 12 | SEAO | 8 | |
| Австралия | 62,86 | 13 | HI | 13 | SEAO | 1 | |
| Германия | 62,71 | 14 | HI | 14 | EUR | 4 | |
| Норвегия | 62,67 | 15 | HI | 15 | EUR | 9 | |
| Франция | 61,43 | 16 | HI | 16 | EUR | 5 | |
| Исроил | 61,36 | 17 | HI | 17 | NAWA | 2 | |
| Австрия | 61,15 | 18 | HI | 18 | EUR | 10 | |
| Янги Зеландия | 60,95 | 19 | HI | 19 | SEAO | 11 | |
| Ирландия | 59,72 | 20 | HI | 20 | EUR | 12 | |
| Белгия | 59,62 | 21 | HI | 21 | EUR | 13 | |
| Бирлашган Араб Амирликлари | 58,29 | 22 | HI | 22 | NAWA | 14 | |
| Исландия | 57,27 | 23 | HI | 23 | EUR | 6 | |
| Люксембург | 57,23 | 24 | HI | 24 | EUR | 15 | |
| Эстония | 56,11 | 25 | HI | 25 | EUR | 16 | |
| Хитой | 55,51 | 26 | UM | 1 | SEAO | 7 | |
| Испания | 54,85 | 27 | HI | 26 | EUR | 17 | |
| Чехия Республикаси | 54,74 | 28 | HI | 27 | EUR | 18 | |
| Словения | 54,09 | 29 | HI | 28 | EUR | 2 | |
| Кипр | 53,17 | 30 | HI | 29 | NAWA | 19 | |
| Малта | 52,63 | 31 | HI | 30 | EUR | 20 | |
| Португалия | 52,52 | 32 | HI | 31 | EUR | 21 | |
| Италия | 52,41 | 33 | HI | 32 | EUR | 8 | |
| Малайзия | 52,23 | 34 | UM | 2 | SEAO | 3 | |
| Латвия | 49,6 | 35 | HI | 33 | EUR | 22 | |
| Литва | 49,38 | 36 | HI | 34 | EUR | 23 | |
| Венгрия | 49,25 | 37 | HI | 35 | EUR | 24 | |
| Полша | 49,09 | 38 | HI | 36 | EUR | 25 | |
| Бруней-Даруссалом | 48,16 | 39 | HI | 37 | SEAO | 26 | |
| Греция | 48,04 | 40 | HI | 38 | EUR | 27 | |
| Чили | 46,97 | 41 | HI | 39 | LCN | 28 | |
| Россия | 46,64 | 42 | UM | 3 | EUR | 9 | |
| Словакия | 46,54 | 43 | HI | 40 | EUR | 29 | |
| Хорватия | 46,3 | 44 | HI | 41 | EUR | 10 | |
| Болгария | 45,98 | 45 | UM | 4 | EUR | 30 | |
| Шимолий Македония | 45,9 | 46 | UM | 5 | EUR | 31 | |
| Маврикий | 45,77 | 47 | UM | 6 | SSF | 32 | |
| Таиланд | 45,45 | 48 | UM | 7 | SEAO | 1 | |
| Жанубий Африка | 44,85 | 49 | UM | 8 | SSF | 33 | |
| Саудия Арабистони | 44,49 | 50 | HI | 42 | NAWA | 11 | |
| **Қозоғистон** | **42,78** | **60** | **UM** | **17** | **CSA** | **2** | |
| **Ўзбекистон** | **38,24** | **81** | **LM** | **8** | **CSA** | **13** | |
| **Қирғизистон** | **36,62** | **88** | **LM** | **10** | **CSA** | **4** | |
| **Тожикистон** | **31,04** | **108** | **LI** | **5** | **CSA** | **10** | |

***Манба:*** *Global Innovation Index Database, Cornell, INSEAD, and WIPO, 2020 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси*

**4-жадвал**

**2020 йилда инновацион маҳсулот суб-индексилари рейтинги**

| **Мамлакат / иқтисодиёт** | **Ҳисоб** (Score) **(0-100)** | **Ўрин** (Rank) | **Даромад** Income | **Ўрин** Rank | **Минтақа** Region | **O'rin** Rank | **Median 20.74** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Швейцария | 62,75 | 1 | HI | 1 | EUR | 1 | |
| Швеция | 55,75 | 2 | HI | 2 | EUR | 2 | |
| Буюк Британия | 53,59 | 3 | HI | 3 | EUR | 3 | |
| Голландия | 53,08 | 4 | HI | 4 | EUR | 4 | |
| Америка Қўшма Штатлари | 52,28 | 5 | HI | 5 | NAC | 1 | |
| Хитой | 51,04 | 6 | UM | 1 | SEAO | 1 | |
| Германия | 50,39 | 7 | HI | 6 | EUR | 5 | |
| Финляндия | 48,47 | 8 | HI | 7 | EUR | 6 | |
| Дания | 48,3 | 9 | HI | 8 | EUR | 7 | |
| Корея Республикаси | 47,4 | 10 | HI | 9 | SEAO | 2 | |
| Ирландия | 46,38 | 11 | HI | 10 | EUR | 8 | |
| Франция | 45,89 | 12 | HI | 11 | EUR | 9 | |
| Исроил | 45,73 | 13 | HI | 12 | NAWA | 1 | |
| Люксембург | 44,45 | 14 | HI | 13 | EUR | 10 | |
| Сингапур | 43,02 | 15 | HI | 14 | SEAO | 3 | |
| Гонконг, Хитой | 42,68 | 16 | HI | 15 | SEAO | 4 | |
| Чехия Республикаси | 41,95 | 17 | HI | 16 | EUR | 11 | |
| Япония | 41,8 | 18 | HI | 17 | SEAO | 5 | |
| Исландия | 41,18 | 19 | HI | 18 | EUR | 12 | |
| Эстония | 40,45 | 20 | HI | 19 | EUR | 13 | |
| Малта | 40,14 | 21 | HI | 20 | EUR | 14 | |
| Канада | 39,68 | 22 | HI | 21 | NAC | 2 | |
| Австрия | 39,1 | 23 | HI | 22 | EUR | 15 | |
| Италия | 39,06 | 24 | HI | 23 | EUR | 16 | |
| Белгия | 38,64 | 25 | HI | 24 | EUR | 17 | |
| Кипр | 38,17 | 26 | HI | 25 | NAWA | 2 | |
| Испания | 36,35 | 27 | HI | 26 | EUR | 18 | |
| Норвегия | 35,91 | 28 | HI | 27 | EUR | 19 | |
| Португалия | 34,5 | 29 | HI | 28 | EUR | 20 | |
| Болгария | 33,98 | 30 | UM | 2 | EUR | 21 | |
| Австралия | 33,85 | 31 | HI | 29 | SEAO | 6 | |
| Венгрия | 33,8 | 32 | HI | 30 | EUR | 22 | |
| Янги Зеландия | 33,06 | 33 | HI | 31 | SEAO | 7 | |
| Словакия | 32,86 | 34 | HI | 32 | EUR | 23 | |
| Латвия | 32,63 | 35 | HI | 33 | EUR | 24 | |
| Малайзия | 32,61 | 36 | UM | 3 | SEAO | 8 | |
| Украина | 32,49 | 37 | LM | 1 | EUR | 25 | |
| Ветнам | 32,17 | 38 | LM | 2 | SEAO | 9 | |
| Словения | 31,73 | 39 | HI | 34 | EUR | 26 | |
| Полша | 30,81 | 40 | HI | 35 | EUR | 27 | |
| Филиппин | 29,62 | 41 | LM | 3 | SEAO | 10 | |
| Литва | 28,98 | 42 | HI | 36 | EUR | 28 | |
| Хорватия | 28,24 | 43 | HI | 37 | EUR | 29 | |
| Таиланд | 27,91 | 44 | UM | 4 | SEAO | 11 | |
| Ҳиндистон | 27,66 | 45 | LM | 4 | CSA | 1 | |
| Руминия | 27,47 | 46 | UM | 5 | EUR | 30 | |
| Арманистон | 27,15 | 47 | UM | 6 | NAWA | 3 | |
| Молдова Республикаси | 26,79 | 48 | LM | 5 | EUR | 31 | |
| Черногория | 26,62 | 49 | UM | 7 | EUR | 32 | |
| Эрон | 25,86 | 50 | UM | 8 | CSA | 2 | |
| **Қозоғистон** | **14,34** | **94** | **UM** | **31** | **CSA** | **5** | |
| **Тожикистон** | **13,43** | **99** | **LI** | **2** | **CSA** | **6** | |
| **Қирғизистон** | **12,4** | **107** | **LM** | **20** | **CSA** | **8** | |
| **Ўзбекистон** | **10,83** | **118** | **LM** | **25** | **CSA** | **10** | |

***Манба:*** *Global Innovation Index Database, Cornell, INSEAD, and WIPO, 2020 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси*

***Изоҳлар:*** *Жаҳон банки даромадлари гуруҳи таснифи (2019 йил июл): LI = кам даромад; LM = паст-ўрта даромад; UM = юқори-ўртача даромад ва HI = юқори даромад.*

Хусусан, инновациялар индекси бўйича 2020 йилда 131 та мамлакатда тадқиқот олиб борилган. Тадқиқот натижасига кўра, инновация жараёнларини қўллаш, тадбиқ қилиш ва амалга оширишни ўзида мужассамлаштирган ҳолда ушбу индексда дунё мамлакатлари рейтинги белгиланди. Инновация индексини турли кўрсаткичлар бўйича аниқлаш ва кўрсатиш мумкин. Хусусан, жаҳондаги мамлакатлар бўйича турли хил даромад даражаларида инновацион кўрсаткичлар аниқланган. Ўзбекистон Global innovation indexга қайтди. Маълумотлар етишмаслиги сабабли беш йил давомида рейтингга киритилмасдан келинганидан сўнг, 2020 йил 93-ўринга эришди. Рўйхат бўйича 2020 йилда Қозоғистон 77, Қирғизистон 94, Тожикистон 109 ўринни эгаллаган. 2019 йилда эса Қозоғистон 79, Қирғизистон 90, Тожикистон 100 ўринни эгаллаган эди.

2-жадвалга асосан, ривожланиш даражаси кутилганидан юқори ва ривожланиш даражасига мос равишда жаҳон мамлакатлари юқори даромадли, юқори ўрта даромадли, қуйи ўрта даромадли ва кам даромадли гуруҳларга ажратилади. Шу гуруҳлардан Ўзбекистон Республикаси ривожланиш даражаси кутилганидан юқори, қуйи ўрта даромадли гуруҳга мансуб. Сабаби жаҳон мамлакатларида иқтисодий индекс кўрсаткичлари асосида инновацияларни ривожлантириш ўзига хос аҳамият касб этиб, бу борада республикамизда ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, сўнгги тўрт йил давомида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг “Иқтисодий эркинлик” индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг “Логистика самарадорлиги” индексида 19 поғонага ва “Бизнес юритиш” индексида 18 поғонага кўтарилди

3-жадвалдан кўриниб турибдики, Innovatsiya Kiritish Sub-indeksida Ўзбекистон 81 ўринни эгаллади. Рўйхат бўйича Қозоғистон 77, Қирғизистон 94, Тожикистон 108 ўринни эгаллаган. 2019 йилда эса Қозоғистон 64, Қирғизистон 78, Тожикистон 107 ўринни эгаллаган эди.

Минтақалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таснифига асосланади: EUR = Европа; NAC = Шимолий Америка; LCN = Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси; CSA = Марказий ва Жанубий Осиё; SEAO = Жануби-Шарқий Осиё ва Океания; NAWA = Шимолий Африка ва Яқин Шарқ; SSF = Саҳрои Кабр ва Жанубий Африка.

Жадвалга асосан, Innovatsion mahsulot Sub indexida Ўзбекистон 118 ўринни эгаллади. Рўйхат бўйича Қозоғистон 94, Қирғизистон 107, Тожикистон 99 ўринни эгаллаган. 2019 йилда эса Қозоғистон 92, Қирғизистон 111, Тожикистон 83 ўринни эгаллаган эди.

Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш” тизимидаги 6-гуруҳ мамлакатлари қаторидан 5-гуруҳ мамлакатлари қаторига кўтарилди. Шу билан бирга, рейтинглар билан ишлашга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги ва халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган сўровларда аксарият ислоҳотлар ўз аксини топмаётганлиги оқибатида устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикаси қуйи поғоналарда қолмоқда. Бу борада ва ушбу масаланинг ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июнда махсус фармони[1] қабул қилинди. Натижада, маълум муддат танаффусдан сўнг Ўзбекистон глобал инновацион индексга қайтиб, маълумотлар етишмаслиги сабабли беш йил давомида рейтингга киритилмаганидан сўнг, 2020 йилда 93-ўринга эришди. Бироқ, Непал энг яхши даражани қўлга киритди ва у кам даромадли иқтисодиёт орасида биринчи учталикка янги келган ва 3-ўринни қўлга киритган.

Ўзбекистон бир йил давомида Иқтисодий эркинлик индексида 26 поғона юқорилаб, 186 давлат орасида 114-ўринни эгаллади. “Мерос” (Heritage Foundation) жамғармаси томонидан “The Wall Street Journal” билан ҳамкорликда тузиладиган мазкур рейтинг 1995 йилдан буён эълон қилиб келинади[5]. Рейтингни ишлаб чиқишда таҳлилчилар 12 омил – эгалик ҳуқуқи, суд самарадорлиги, ҳукумат жипслиги, солиқ юкламаси, давлат сарф-харажатлари, фискал сиёсат, тадбиркорлик эркинлиги, меҳнат эркинлиги, монетар эркинлик, савдо эркинлиги, инвестициявий эркинлик, молиявий эркинлик каби унсурларни инобатга олишади. Ушбу кўрсаткичлар тўрт гуруҳга бўлинган – “Қонун устуворлиги”, “Иқтисодиётда давлатнинг роли”, “Барқарор самарадорлик” ва “Бозор шаффофлиги”. Йиллик индекс ҳисоботида 186 мамлакатнинг ҳар бири 100-баллик тизимда алоҳида баҳоланади. 80 дан 100 баллгача тўплаган мамлакатнинг иқтисоди “тўлиқ эркин” ҳисобланади, 70-79,9 балли давлатлар “асосан эркин” баҳога муносиб кўрилади. 60-69,9 балл “муайян эркин” ликни, 50-59,9 балл “асосан, эрксизлик” ни ва 0-49,9 балл “тўлиқ эрксизлик” ни англатади.

Умуман олганда, республикамизда фаолият кўрсатаётган субъектларнинг амалга ошираётган инновацион фаолияти амалиётга янги

ва такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш, экологик меъёрларга жавоб берадиган ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар яратиш, уларнинг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб боришни тақазо этади. Бу орқали хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилишнинг бугунги кунда амалга оширилаётган босқичида соҳани жаҳон тажрибасининг замонавий ютуқлари, инновацияларнинг барча самарали шакллари ҳамда фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда ривожлантириш кўзда тутилган. Бунда асосий ўзгаришлар йўналиши сифатида соҳанинг таркибий тузилишига ўзгартиришлар киритиш билан бирга бошқарув тизимини инновацион янгиликларга таянган ҳолда ташкил этишга ҳам алоҳида урғу берилмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг умумий йўналишларини ҳамда амалга ошириш механизмларини назарда тутувчи туризмни ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши соҳанинг жаҳонда кечаётган замонавий тараққиёт йўналишлари асосида ривожланишини таъминлайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Умуман олганда жаҳон мамлакатларининг иқтисодий индекс кўрсаткичлари турли мезон ва шартлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг таснифи давлатлар бўйича ажратилади. Ҳамда иқтисодий индекс кўрсаткичлари бевосита инновацияларни ривожлантириш билан боғлиқ. Жаҳон мамлакатларининг турли хил даромад даражаларида инновацион кўрсаткичлар таснифига кўра юқори даромадли, юқори ўрта даромадли, қуйи ўрта даромадли ва кам даромадли гуруҳларга ажратилиши энг муҳим бўлган иқтисодий индекс кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, инновациялар ўртасида глобал инновацион индекси алоҳида ўринни эгаллайди, унинг таркиби инновацияларни жалб этиш ва инновацион маҳсулотларни ярашишга қаратилган суб-индекс, яъни индекс элементларидан иборат бўлади. Бу индекс ақлий меҳнат орқали инновацион иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон 2020 йилда глобал инновацион индекс кўрсаткичи бўйича дунёда 93-ўринни эгаллаб, бу бевосита интернет ва ахборот технология хизматлари, илмий билимларнинг тараққиёти, тадбиркорлик ва бизнеснинг қулай шароити, замонавий банк хизматларининг кўрсатилиши, янги инновацион ишланмаларни яратиш ва жаҳон мамлакатларига экспорт қилиш каби вазифаларда ўз аксини топади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир соҳаси бугунги тез суръатлар билан ўзгариб бораётган даврда инновацияларсиз ривожлана олмайди. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар тараққиётининг пойдевори - иқтисодиётнинг турли соҳаларини тўлиқ қамраб олувчи инновацион тизимнинг шаклланиши ва бу тизимнинг самарали фаолияти билан белгиланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инновациялар асосида индекс кўрсаткичларини ҳисоблашни янада такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ҳудудларда миллий инновацион индексларни ҳисоблашнинг онлайн марказларини ташкил этиш;
- инновацион индексларни ҳисоблаш марказларининг иш фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш;
- инновацион маҳсулот яратишда унга таъсир кўрсатувчи барча омилларни комплекс ҳисобга олиш ва контент таҳлил қилиб бориш;
- даромадларни табақалаштириш сиёсатининг механизмларини янада риқожлантириш, уни амалга оширишнинг миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва ягона сиёсатини шакллантириш.


***Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сонли "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги Фармони. // www.lex.uz*

*2. Giulio Cainelli , Rinaldo Evangelista & Maria Savona (2004) The impact of innovation on economic performance in services, The Service Industries Journal, 24:1, 116-130*

*3. Fernando HenriqueTaques[a]Manuel GLópez[b]Leonardo FBasso[c]NelsonAreal[d] Indicators used to measure service innovation and manufacturing innovation Journal of Innovation & KnowledgeVolume 6, Issue 1, January–March 2021, Pages 11-26*

*4. Rudra P.PradhanaMak B.ArvinbMahendhiranNaircSara E.Bennettd The dynamics among entrepreneurship, innovation, and economic growth in the Eurozone countries Journal of Policy Modeling. Volume 42, Issue 5, September–October 2020, Pages 1106-1122*

*5. "Тараққиёт стратегияси" маркази. https://strategy.uz/index.php?news=891*

*6. INSEAD, WIPO, Cornell University: The Global Innovation Index, 2019.*

*7. Global Innovation Index Database, Cornell, INSEAD, and WIPO, 2020.*

*8. Katsoni V., Velander K. Innovative approaches to tourism and leisure. – Springer, 2018.*

*9. Bouchon F., Rawat K. Rural areas of ASEAN and tourism services, a field for innovative solutions //Procedia-Social and Behavioral Sciences. – 2016. – T. 224. – C. 44-51.*